# ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ БАРҚАРОРЛАШТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА КИРИШНИНГ ҚОИДАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

янада тартибга солиш, ресурслардан самарали фойдаланиш ва вилоят манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадларида **вилоятдаги барча корхоналар ва ташкилотлар учун ишлаб чиқаришни ва маҳсулотни ташиб кетишни лицензиялаш механизми барпо этилиши лозим.**

### 2. ВИЛОЯТ ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ БОШҚАРУВ ТАРТИБИНИ ВА РАҲБАРЛИК УСУЛЛАРИНИ ҚАЙТА ҚУРИШ

БИРИНЧИДАН, янги хўжалик тартибларининг тайёрлигидан қатъий назар таркиб топган ташкилий структурани бирйўла ёппасига бузишдан воз кечиш.

**Иккинчидан,** ишлаб чиқариш бирлашмалари, корхоналар, ташкилотлар ва хўжаликларга уюшмалар, концернлар, акционер жамиятлари ва ҳоказоларга мустақил кириш ҳуқуқини бериш.

**Учинчидан,** асосий ишлаб чиқариш бўғинлари билан раҳбар ташкилотлар ўртасидаги хўжалик ҳисоби муносабатлари ишлаб чиқариш коллективига тармоқни ривожлантириш тахминларини ишлаб чиқиш, фан-техника тараққиётини жорий қилиш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш, бозор коньюктурасини ўрганиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга нисбатан эҳтиёжни ва энг мақбул шерикларни аниқлаш, унга чет эллик шериклар ҳам киради, давлат буюртмаси учун моддий ва хом ашё ресурсларини марказлашган тақсим қилинишини таъминлаш бўйича кўрсатилган хизматларга даромаднинг бир қисмини кўнгилли ажратиш ва бошқа принциплар асосида шаклланади.

**Тўртинчидан, бирлашмалар ва корхоналарга** (мамлакат мудофаа қобилиятини ва халқ хўжалигининг барқарорлигини таъминлашда алоҳида аҳамиятга эга бўлган ишлаб чиқаришлар ва хизматларнинг чекланган доираси бундан мустасно) вазирликлар ва идоралар таркибидан чиқиш ва давлат мулкини ижарага олиш негизида ўз фаолиятини мустақил амалга ошириш **ҳуқуқлари** берилади.

**Бешинчидан,** мулкчиликнинг ҳар хил турлари — жумҳурият, иттифоқ, коммунал, жамоа, хусусий, чет эл капитали — негизида уюшмалар, акционерлик жамиятлари ва бошқа шу кабиларни шакллантириш.

**Бозорни бошқариш бўйича ташкилотлар** — товар ва фонд биржалари, ишга жойлаштириш хизматлари, савдо уйлари ва ҳоказолар барпо этишга алоҳида эътибор бериш, зеро, худди шу органлар уларни бошқаришнинг команда марказларини тартибга солишнинг иқтисодий усулларини шакллантириш бўйича жорий ишни амалга оширадилар

Бундай органлар системасини шакллантириш тармоқ вазирликларининг ўзларига хос бўлмаган корхоналарни оператив бошқариш вазифаларидан озод бўлишлари, уларнинг эътиборини ишлаб чиқаришни истиқболда ривожлантириш, фан-техника тараққиёти, бозор коньюктурасини тахмин қилиш, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш системасини барпо этишга қаратиш учун амалий имкониятлар вужудга келтиради.

### ХАЛҚ ИСТЕЪМОЛИ МОЛЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ХИЗМАТЛАР КОМПЛЕКСИ

Комплексни бошқаришнинг ташкилий структурасини барча мулкчилик хилларидаги турдош ва иқтисодий жиҳатдан яқин алоқада бўлган корхоналарни шартнома негизида ўз ичига олган турли хил уюшмалар ташкил этиш асосида қуриш мақсадга мувофиқдир.

Комплекс системасида шундай ўзгаришларнинг боришида кичик корхоналарни барпо этиш, мавжуд ишлаб чиқаришларни ижарага, жамоа мулкига ўтказиш, уларни кооператив ва хусусий мулкчиликка сотишни кенг оммалаштириш мақсадга мувофиқдир.

### ОҒИР САНОАТ КОМПЛЕКСИ

Иттифоқ қарамоғида бўлган ва жумҳурият мулкига айланаётган бирлашмалар ва корхоналар негизида тармоқ принциплари асосида концернлар тузиш назарда тутилади. Бу концернларга металлургия корхоналари; машинасозлик ва электрон-техника саноати вазирлиги корхоналари; химия саноати ва ўғит ишлаб чиқарувчи корхоналар киради. Иттифоқ ихтиёрида қолган мудофаа тармоқлари корхоналари жумҳуриятда белгиланган тартибда тузиладиган шартномалар асосида ишлайди.

### ДЕҲҚОНЧИЛИК САНОАТИ КОМПЛЕКСИ

ЕР ҲАҚИДАГИ, мулкчилик ҳақидаги, кооперация ҳақидаги ва бошқа қонунларни амалга оширилиши, шунингдек, бозор муносабатларининг чуқурлашиб ва ривожланиб бориши **деҳқончилик саноати комплексига кирувчи** мавжуд ишлаб чиқариш бирлашмаларининг тузилиши ва фаолиятида сезиларли ўзгаришлар қилиш лозимлигини тақозо этади.

Аҳолининг шахсий ёрдамчи хўжаликлари ва хусусий корчалонликларни ривожлантириш масалалари бўйича сиёсатнинг тубдан ўзгариши муносабати билан кўнгиллилик асосида колхозчиларнинг ва совхозлар ишчиларининг шахсий ёрдамчи хўжаликлари уюшмаси ташкил этилди.

### ҚУРИЛИШ КОМПЛЕКСИ

БОШҚАРУВНИНГ мавжуд структуралари билан бирга уюшмалар, акционерлик жамиятлари, кичик корхоналар тармоқлари ва давлат кооператив ташкилотларини тузиш назарда тутилади.

Бошқарувнинг янги тузилаётган структуралари ўз фаолиятини фан-техника ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш вазифаларини кўнгилли марказлаштириш, шунингдек, инвестиция, молиявий ташқи иқтисодий ва бошқа фаолиятлар, корхоналарга хўжалик ҳисоби асосида хизмат кўрсатишни ташкил этиш негизида амалга оширади.

* * *

Халқ хўжалигининг ноишлаб чиқариш тармоқлари комплексида умуман «Тошвилпасстранс», «Тошвилюктранс» концернларининг таркиб топган таркиблари сақланганн ҳолда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ва улар ижроия комитетларининг ижтимоий соҳани ривожлантириш учун ҳуқуқлари ва масъулиятларини кескин кенгайтириш назарда тутилади.

### УМУМИҚТИСОДИЙ ОРГАНЛАР ВА БАНК СИСТЕМАСИ

Меҳнат бўйича вилоят органларини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, жойларда аҳолини меҳнатга жойлаштириш, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, вақтинча ишламаётганларга (ишсизларга) ёрдам кўрсатиш масалалари билан шуғулланувчи махсус хизматларни барпо этиш таклиф этилади.

Вилоят ичида ва моддий оқимларнинг бошқа регионлари билан ўзаро алоқаларни мувофиқлаштириш мақсадида мол биржалари, коммерция марказлари ва бошқа шу кабиларни ташкил этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Бозор муносабатлари ривожлангани сари солиқ инспекторлари, аудитор фирмалари ва бошқа шу кабилар сингари молиявий таҳлил қилиш ва назорат органларининг аҳамияти ортиб боради, айниқса ташқи иқтисодий алоқалар соҳасида бошқарув маслаҳат бериш тармоғи кенг ривожланиши керак.

Мулкчиликнинг турли-туман шакллари иқтисодий ислоҳотни амалга оширишнинг навбатдаги босқичларида вилоят худудида бевосита вилоят ижроия комитетида идорадан ташқари мустақил ва бевосита Ўзбекистон ССЖ ҳукуматига бўйсунадиган давлат мулкини тасарруф қилувчи орган барпо этиш заруратига олиб келиши мумкин. Бу орган давлат мулки объектларига эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва тасарруф этиш билан боғлиқ бўлган масалаларни уларнинг ишлаб чиқариш фаолиятига аралашмаган ҳолда ҳал этган бўлур эди.

**Вилоят даражасида** ҳудудни ривожлантиришни иқтисодий тартибга солиш бўйича асосий вазифалар халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг ижроия комитетлари зиммасига юклатилади.

### 3. ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ

ВИЛОЯТ экспортининг асосан хом ашё йўналишида (80—85 фоиз) эканлигини ҳисобга олиб, ташқи иқтисодий сиёсатнинг мустақил стратегияси таклиф этилади, унга қуйидагилар киради:

— саёҳат инфраструктурасини ривожлантириш;

— биринчи навбатда енгил ва озиқ-овқат тармоқларида (кичик корхоналар кўринишида), машинасозликда (йўл қурилиши машиналари, қайта ишлаш саноати учун асбоб-ускуналар ишлаб чиқариш), савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида қўшма корхоналар барпо этиш;

— эркин корчалончилик минтақалари барпо этиш;

— хом ашёни чиқаришдан саноатнинг тайёр молларини ва чуқур қайта ишлаш маҳсулотларини экспорт қилишга ўтиш.

Вилоят ўзининг ташқи иқтисодий фаолиятида мустақил равишда хорижий корхоналар ва фирмалар билан алоқа ўрнатади, савдо ва консуллик вакилликлари билан алмашади, кредит-молия ишларини, чегара олди савдосини амалга оширади, вилоят валюта фондини шакллантиради ва ундан фойдаланади.

Валюта ажратишнинг мавжуд шакли вилоятнинг экспорт базаси манфаатдорлигига хизмат қилмаслигини ҳисобга олиб валюта тушумларидан бир каналли деб аталган солиқлар системасини ўрнатиш таклиф этилади.

Ташқи савдо ва хорижий алоқалар учун кадрлар тайёрлашга муҳим роль ажратилади. Ташқи алоқалар соҳасида мутахассислар — менежментлар, маркетинглар, тижорат, банк иши, чет тиллар соҳаларида мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш учун ўқув юртлари (лицейлар, техникумлар, олийгоҳлар, малака ошириш олийгоҳлари, коммерция мактаблари) тармоғини барпо этиш назарда тутилади, жумҳуриятдан кадрларни ўқиш ва тажриба ўрганиш учун юбориш мақсадида чет эллардаги турдош муассасалар билан доимий алоқаларни ўрнатиш назарда тутилади. Бу ишни маблағ билан таъминлаш корхоналар ва ташкилотлар (коммерция асосида) ҳисобидан ҳам, шунингдек жумҳурият давлат бюджети ҳисобидан ҳам амалга оширилади.

Вилоятда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг асосий турларини ҳисобга олишни ўтказиш, уларни ички ва экспорт қилиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида қарорлар қабул қилиш учун ташқи бозорларда сотишнинг самарадорлигини таҳлил қилиш назарда тутилади. Шунингдек, хом ашё молларини экспорт қилишни қисқартириш, уларни озиқ-овқат маҳсулотлари, халқ истеъмоли моллари, тиббиёт дори-дармонлари ва тиббиёт асбоб-ускуналари ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи махсус корхоналар барпо этиш ва иш билан таъминлашга йўналтириш кўзда тутилади.

## III. БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ БОСҚИЧЛАРИ

### 1. 1990—1991 ЙИЛЛАР — ИҚТИСОДИЁТНИ БАРҚАРОРЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ФАВҚУЛОДДА ЧОРАЛАР БОСҚИЧИ

АҲОЛИГА **ижтимоий ёрдам бериш системасини** жорий қилишга тайёргарлик (энг кам истеъмол бюджети ҳисоблаб чиқилади, аҳолининг кам таъминланган табақаларига оид одамлар контингенти ва уларни социал муҳофаза қилиш тартиби, иш билан банд қилиш хизматларини шакллантириш юзасидан чоралар комплекси ва бошқа шу каби ишлар белгиланади) амалга оширилади.

Халқ хўжалигини барқарорлаштириш юзасидан фавқулодда чоралар амалга оширилади (молия ва пул муомаласини соғломлаштириш, марказлашган ишлаб чиқариш капитал маблағлари ҳажмларини таркибий қайта тақсимлаш, истеъмол бозорини нормал ҳолга келтириш, ўзаро маҳсулот етказиб беришни барқарорлаштириш, ишлаб чиқаришнинг камайишини бартараф этиш ва бошқалар).

Истеъмол бозорининг давлат муҳофазаси жорий қилинади;

Иттифоқ, иттифоқ-жумҳурият қарамоғидаги корхоналарни жумҳурият қарамоғига ўтказиш бўйича амалий тадбирлар кўрилади.

Давлат тасарруфидан чиқариладиган давлат мулкини, молия активлари ва резервларини инвентаризация қилиш амалга оширилади.

Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг молиявий механизми ва тартиби ишлаб чиқилади.

Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш бўйича ишларни бошлаш — 1991 йил.

Ер фондини инвентаризация қилиш ва ер тузилиши схемаларини ишлаб чиқиш, фермер типидаги товар-деҳқон хўжаликларини қўллаб-қувватлаш бўйича чоралар ишлаб чиқиш.

Ер ислоҳотини амалга ошириш — 1991—1992 йиллар.

Ижтимоий йўналиши, техникавий даражаси ва қурилишнинг норматив муддатларидан келиб чиқиб, қурилишини давом эттириш мақсадга мувофиқ эканлигини ҳисобга олиб қурилаётган корхоналарни инвентаризация қилиш.

Инвестиция комплексининг имкониятлари, пудратчи ташкилотларнинг қувватлари ресурслари билан инвестицион талабни мутаносиблаштириш. Бир йўла қурилаётган иморатлар сонини қисқартириш, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарувчи корхоналар бундан мустаснодир, ресурсларни ижтимоий-иқтисодий программаларга қайта тақсимлаш. Беш йилдан кейин фойда бериши назарда тутилган иморатлар қурилишини тўхтатиш.

Қурилиши тугалланмаган иморатларни, ўрнатилмаган асбоб-ускуналар ва моддий запасларни хусусийлаштириш, шу жумладан, хорижлик инвесторларга бериш.

«А» гуруҳи ва мудофаа тармоқлари корхоналари маҳсулотини ишлаб чиқаришга жумҳурият давлат буюртмаларини босқичма-босқич белгилаш, мудофаа тармоқлари илмий-ишлаб чиқариш кучларини фуқаролар эҳтиёжларига йўналтириш.

**1990—1991 йилларда халқ хўжалигини бошқаришнинг ташкилий тузилишини қайта қуриш, монополияга қарши чоралар комплексини амалга ошириш.**

Вилоятнинг ташқи иқтисодий фаолиятини фаоллаштириш, ташқи бозорга чиқиш, қўшма корхоналар барпо этиш.

Молия ва кредит сиёсати воситалари, банк ва кредит ислоҳоти ёрдамида пулнинг қадрсизланиш жараёнларини тўхтатиш, банк фоиз ставкаларини ошириш, иш ҳақини ислоҳ қилиш — 1991 йил.

### 2. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИНИНГ АСОСИЙ ЭЛЕМЕНТЛАРИГА ЎТИШ БОСҚИЧИ — 1991—1993 ЙИЛЛАР

Нархини белгилаш ислоҳотини аҳолини, айниқса, унинг кам таъминланган табақаларини ижтимоий муҳофаза қилиш тартибини бир йўла жорий қилиш билан амалга ошириш. Аҳолини социал муҳофаза қилишга нархларнинг ошиши муносабати билан аҳоли харажатларининг ортиши индексацияси ҳам, шунингдек, бу маблағларни давлатнинг моддий буюмлар билан қоплаш кафолати ҳам киради — 1991 йил.

Аҳолининг бандлигини таъминлаш ва ишчи кучи бозорини тартибга келтириш тартибини яратиш, ишсизлик бўйича нафақаларни жорий қилиш, меҳнатга жойлаштириш, ижтимоий ишларни уюштириш, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш хизматларини ташкил этиш;

Бозор инфраструктурасини (биржалар, коммерция банклари ва бошқалар) шакллантириш.

Ташқи иқтисодий алоқаларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш, вилоятга чет эл капиталини жалб этиш.

Марказлашган манбалардан маблағ билан таъминланадиган умумиттифоқ дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга киришиш.

Акционерлик уюшмалари ташкил этиш, корхоналарни коллектив мулки бўлиб қолиши учун сотиш, ижарага бериш ва ҳоказолар.

Майда корчалонликни қўллаб-қувватлаш.

Молия-кредит чеклашларини сусайтириш, иш фаоллигини кучайтириш мақсадларида фойдага солинадиган солиқларни камайтириш.

### 3. БОЗОР МЕХАНИЗМИНИ КЕНГАЙТИРИШ БОСҚИЧИ — 1995—1996 ЙИЛЛАР

Бозор ва нархларни барқарорлаштириш, иқтисодиётнинг барча соҳаларида бозор муносабатларини такомиллаштириш, бозорлар системасини ва уларни тартибга солишни шакллантириш.

Бозорни ривожлантиришнинг асосий чеклашларини бекор қилиш, халқ хўжалигини асосан иқтисодий дастаклар ёрдами билан тартибга солишга ўтиш. Шу асосда жумҳурият ички бозорида ҳам, шунингдек бошқа регионлар ва хорижий давлатлар билан муносабатларда ҳам айирбошлашнинг тенг бўлишини таъминлаш.

## IV. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТЛАРИДА АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ МЕХАНИЗМИ

### 1. АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВА БАНДЛИГИ ДАСТУРИ

**Асосий тадбирлар:**

1. Аҳолининг камбағал ва кам таъминланган қатламлари учун имтиёзлар, афзалликлар, нафақалар.

2. Пенсия таъминоти, талабаларга стипендиялар бериш ва кам таъминланган ҳамда кўп болали оилаларга нафақалар бериш соҳасида давлатнинг ижтимоий кафолатлари.

3. Иш ва яшаш шароитлари билан боғлиқ бўлган имтиёзлар.

4. Аҳолининг номинал даромадларини сақлаб қолиш мақсадида нархлар ва даромадларнинг индексацияси.

5. Янги мутахассисликни эгаллаш, жамоат ишларида фойдаланиш, шунингдек ишсизлик бўйича нафақалар кўринишида вақтинча ишини йўқотган аҳолига давлат ёрдами.

6. Бутун аҳоли учун меҳнат, дам олиш, уй-жой эгаси бўлиш, бепул билим олиш ва тиббиёт хизматидан фойдаланиш бўйича кафолатли ҳуқуқлар.

7. Бутун аҳоли учун мулкчиликнинг барча шаклларида ва хўжалик фаолиятининг натижаларидан қатъий назар малакасига мувофиқ меҳнат ҳақининг табақалашган энг кам миқдорини олиш учун кафолатли ҳуқуқ бериш билан иқтисодий фаолияти ва корчалонлигининг эркинлиги. Хусусий мулкка ва ундан олинган фойдага эгалик ҳуқуқи.

Бевосита давлат ижтимоий ёрдамига муҳтож бўлган аҳолининг учта асосий гуруҳи ажратилади.

— 16 ёшгача бўлган болалар:

— ишламайдиган пенсионерлар ва ногиронлар, шунингдек катта ёшдаги боқимандалар;

— учинчи гуруҳга кундузги таълим олийгоҳлари, техникумлари ва ҳунар-техника билим юртларининг 50 минг нафарга яқин талабалари киритилади.

Аҳолига ижтимоий ёрдам кўрсатувчи давлат механизмини барпо этиш ва тегишли жумҳурият қонунларини қабул қилиш йўли билан амалга ошириш назарда тутилади, бунинг учун энг кам истеъмол бюджети (кун кечиришга етадиган, энг кам истеъмол бюджети)ни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш бошланғич база бўлиб хизмат қилади. Жумҳуриятда энг кам истеъмол бюджети нормал яшаш учун зарур бўлган маблағларнинг энг кам чекланганлигидан иборат бўлади ва озиқ-овқат, кийим, уй-жой, тиббий хизмат, билим олиш, маънавий соҳада биринчи навбатдаги эҳтиёжларнинг таъминланишига кафолат беради

Бозор муносабатларини иқтисодиётга жорий қилиш натижаси ҳар бир фуқаронинг кўнгилли меҳнат қилиш, кўчиши эркинлигини, меҳнатини сарфлаш жойини, мулкчилик шакллари, меҳнат тартиби, касби ва вилоятнинг меҳнат имкониятидан тўлароқ ва самарали фойдаланиш учун негизлар вужудга келтирадиган механизм ва тегишли қонунчилик актларининг қанчалик ишлаб чиқилганлигига боғлиқдир.

**Иш билан банд қилиш сиёсатини** шакллантириш ва меҳнат ресурсларини жалб қилиш бўйича аниқ тадбирларни ишлаб чиқишда вилоятнинг интенсив ва экстенсив омиллари, тармоқ ва ҳудуд, ижтимоий ва демографик хусусиятлари қўшилади. Айни вақтда қуйидагилар эътиборга ва ҳисобга олинади:

иқтисодиёт ривожланишининг деҳқончилик-индустриал тури, пахта яккаҳокимлигининг таъсири остида тузилишининг бир томонлиги ва бунинг оқибатида аҳолининг иш билан бандлиги тузилишининг такомиллашмаганлиги, меҳнатнинг мавсумий хусусияти;

халқ хўжалигининг кўп меҳнат талаб қиладиган тармоқларининг суст ривожланганлиги, ишчи ўринларининг кўпи паст малакали меҳнат талаб қилиши, уларнинг кўпчилиги бозор иқтисодиёти шароитларида бартараф этилади.

Иқтисодиётнинг хом ашё йўналиши, тугал циклли ишлаб чиқаришлар улушининг камлиги, тайёр буюмлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган ишлаб чиқаришлар улушининг камлиги;

айниқса қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш соҳалари даражасининг пастлиги, нормал ҳаётий фаолият учун арзимаган шароитларнинг йўқлиги;

вилоят ҳудудида аҳоли жойлашишининг нотекислиги, меҳнат ресурслари ва ишчи ўринларининг тармоқ ва ҳудудий номутаносиблиги.

Иш билан банд қилиш дастурида ёшларнинг касб таълимини ташкил этишни яхшилаш масалаларига алоҳида эътибор берилади. Шу муносабат билан бу масалаларни ҳал қилишга қаратилган бир қатор биринчи навбатдаги тадбирларни амалга ошириш, чунончи;

таълимни маблағ билан таъминлашнинг тузилиши, мазмуни ва тартибини ўзгартириш, унинг янгиликларини жорий қилишга эпчиллигини таъминлаш. Ҳунар-техника билим юртларида ишчи кадрларни тайёрлаш бўйича шартномалар тузишга ўтиш, тайёргарликни ноҳияларнинг ихтисослашганлиги билан бевосита боғлаш, интеграциялаш ва қўшма касблар бўйича тайёргарликни жадаллаштириш, бу жараёнда янги техникани тайёрловчи корхоналарнинг кенг иштирок этиши;

ҳунар-техника билим юртларида тўла маълумотга эга бўлмаган ёшлар орасидан уч йиллик муддат ўрнига бир-икки йиллик муддат билан кадрлар тайёрлашни кўпайтириш;

тўла маълумот асосида гуруҳларни комплектлашни ССЖИ Қуролли Кучларида хизматини тугатиб келганлар ҳисобига кенгайтириш, бунда база корхоналарининг маблағлари ҳисобига стипендиялар миқдорини кўпайтириш.

Вилоятда маҳаллий миллат ёшларидан малакали ишчи кадрлар ва мутахассислар тайёрлашни яхшилаш бўйича ишлар давом эттирилади.

Аҳолининг иш билан бандлиги масалаларини самарали ҳал қилиш имконини берадиган махсус механизм ишлаб чиқиш учун қуйидагиларни амалга ошириш таклиф этилади:

қайси идорага қарашли ва мулкчиликнинг қандай шаклларига мансуб бўлишидан қатъий назар барча корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар, ўқув юртлари билан яқин алоқада бўлган меҳнатга жойлаштириш хизматининг ноҳия, шаҳар кенг тармоғини ва вилоят марказини барпо этиш, улар барча вакансиялар ва бўш иш ўринларини муттасил ҳисобга олиш, иш қидирувчиларни рўйхатга олиш билан муттасил шуғулланадилар, ишсизлик бўйича нафақа тўлаш масалаларини ҳал қиладилар ва меҳнатдан фойдаланиш масалалари юзасидан хизмат кўрсатадилар;

ишга жойлашишда қийинчиликларга дуч келадиган, ёшларни, кўп болали оналарни, ногиронлар иш билан таъминланишининг махсус дастурлари ишлаб чиқилади.

Шу билан бирга меҳнат бўйича органларнинг тубдан қайта ташкил этилиши бўйича чораларни амалга ошириш лозим. Бунда маҳаллий Кенгашлар ижроия комитетлари ҳузуридаги меҳнат бўйича бўлимларнинг, меҳнатга жойлаштириш бўйича марказлар ва бюроларнинг ҳамда бюджетдан маблағ билан таъминланадиган меҳнат биржаларидаги иш билан банд қилиш доимий хизматларини, яъни бир хил вазифани бажарадиган ва бир-бирининг ишини такрорлайдиган бундай бўлинмалар бирлаштирилиши лозим.

**Вақтинча иш билан таъминланмаганлиги учун нафақалар тўлаш,** унинг миқдорларини табақалаштириш — ишсизликдан ижтимоий муҳофаза қилиш чораларининг энг муҳимларидан бири ҳисобланади. Бу мақсадлар учун маблағлар касб ўргатиш ва иш билан банд бўлмаган аҳолига ёрдам кўрсатиш жумҳурият фондидан ажратилади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш тубдан уй-жой ислоҳотини ўтказиш билан боғлиқ бўлади. Унинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборатдир:

1. Ҳар бир фуқаронинг ҳар қандай чеклашларсиз уй-жой харид қилиш, эгаси бўлиш, сотиш ва мероси ҳуқуқини тан олиш.

2. Якка тартибда уй-жой қурилиши учун участкалар ажратиш, якка тартибда уй-жой қурилишини имтиёзли қарз бериш билан таъминлаш, қурилиш материаллари билан имтиёзли таъминлаш.

3. Хоналар ва уй-жойларни фуқароларга шахсий мулк сифатида тўла бозор нархи бўйича қарзга сотиш (дастлаб энг кам бадал тўлаш ва қарзни 30—40 йил давомида тўлаш муддати билан).

4. Давлат ва кооператив уй-жой фондини шахсий мулк сифатида хусусийлаштириш. Уй-жой ислоҳотини амалга оширишда уй-жойга унинг сифатига қараб (канализация, ичимлик сув билан таъминланиши, ҳудудий жойлашиши, шунингдек кўп болали ва кам таъминланган оилаларга уй-жойни сотишда имтиёзлар, ётоқхоналар ва коммунал хоналарда истиқомат қилиш учун имтиёзлар, пенсионерлар, ногиронлар, кам таъминланган, кўп болали оилаларни уй-жой билан биринчи навбатда таъминлаш) табақалашган нархи белгиланади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш **меҳнатга ҳақ тўлаш тартибининг тубдан қайта қурилишини** талаб этади. Янги шароитларда меҳнатга ҳақ тўлаш ислоҳоти аҳолининг ижтимоий ҳимоя қилишнинг бутун системасида асосий элемент бўлади ва ходимларнинг касб сифатларини оширишни рағбатлантиришга, меҳнат натижаларидан манфаатдорликнинг ошишига йўналтирилган бўлади. Давлат меҳнатни сарф қилишнинг барча соҳаларида ягона тариф системасини жорий қилиш йўли билан малака даражасига қараб энг кам иш ҳақи билан таъминланишга кафолат беради.

Ҳар бир аниқ ходимнинг даромадлари энг кўплиги ҳеч қандай чекланмайди. Бироқ прогрессив солиқ билан билвосита тартибга солинади. Ходимлар иш ҳақи бўйича даромадларидан ташқари корхоналар олаётган фойдадан даромад қиладилар (мукофотлар ва ижтимоий имтиёзлар кўринишида), шунингдек акциялар ва бошқа қимматли қоғозлардан ҳам даромад қиладилар. Бундан ташқари, иш шароитларига боғлиқ ҳолда тариф ставкалари ва окладлари миқдорини тартибга солувчи махсус коэффициентларни жорий қилиш назарда тутилади.

Бозор муносабатлари шароитларида **даромадларнинг индексация тартиби** аҳоли даромадларини муҳофаза қилишнинг шаклларидан бири бўлади. Индексацияни жорий қилиш учун истеъмол моллари ва хизматларига баҳолар индекси аниқ ва жадал ҳисобга олинишининг механизми яратилади. Уларни ҳисоб-китоб қилиш учун эса «истеъмолчилик савати» деб аталган система асос қилиб олинади. Бунга вилоятда истеъмолнинг энг кўп кенг тарқалган структурасини акс эттирувчи моллар киради. Даромадлар индексациясининг даврийлиги мамлакатда ислоҳот дастурини амалга ошириш суръатлари, молия ва пул-кредит соҳасидаги аниқ вазиятга, шунингдек истеъмол моллари бозорининг аҳволига боғлиқ бўлади.

Бозорга ўтиш шароитларида экономиканинг нобозор сектори — соғлиқни сақлаш, маданият, таълим, санъат, асосий фанлар, табиатни муҳофаза қилишни давлат томонидан тартибга солиш зарур бўлади. Шу муносабат билан, шунингдек вилоятда ижтимоий соҳалар тармоқларининг ривожланиши паст даражада эканлигини ҳисобга олиб, бизнингча, бу масалада ҳукумат сиёсати барча манбалар ҳисобига социал соҳани маблағ билан таъминлашни кўпайтириш асосида қурилган бўлиши лозим.

Суғурта тиббиёти аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ва касалланиши олдини олишнинг муҳим шаклларидан бири бўлади. Таълимот учун сарфланадиган харажатларнинг миқдорлари маҳаллий Кенгашлар томонидан тартибга солиб турилади. Бу кенгашлар таълим эҳтиёжлари учун маҳаллий солиқларни жорий қилиш ҳуқуқини оладилар. Пулсиз таълим бериш қаторида коммерция туридаги ўқув юртлари тармоқлари кенгайтирилади.

**2. Истеъмол бозорини тартибга солиш, уни моллар ва хизматлар билан тўлатиш**

Ўтиш даврида истеъмол бозорини тартибга солиш шартнома нархлари механизми ёрдамида таклифнинг талабни тўлашга қодирлиги билан боғлаш мақсадига қаратилгандир.

Ҳисобларга кўра вилоят аҳолисининг тўпланиб қолган эҳтиёжи 0,9—1,0 миллиард сўмни ташкил этади ва у йилига 80—90 миллион сўмдан кўпаймоқда. 1990 йил охирига келиб бу кўпайиш 110 миллион сўмга етиши мумкин.

Таркиб топган хўжалик алоқаларининг бузилишига йўл қўймаслик учун, бу салкам 600 миллион сўмлик халқ истеъмоли молларини йўқотишга тенг демакдир, регионлараро битимлар тузишнинг созланган тартибини шакллантириш ва бундан буён горизонтал алоқалар асосида шартномалар тузишни амалга ошириш керак.

1990 йилданоқ халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарувчи корхоналарни иқтисодий рағбатлантириш бўйича қуйидаги чораларни жорий қилиш мақсадга мувофиқдир:

халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқараётган ва хизматлар кўрсатаётган, лекин бунга ихтисослашмаган корхоналарнинг 1991—1992 йилларда халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш ҳисобига олаётган фойдасини солиқ тўлашдан озод қилиш;

халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган, бу молларни давлат нархларида сотаётган корхоналар шу даврда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни 4 фоиздан оширган ҳар бир фоизидан олинадиган солиқ бир фоиз камайтирилади;

Халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқараётган ва аҳолига хизматлар кўрсатаётган ходимлар иш ҳақи фонди солиқ олишдан озод этилади;

халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришга имтиёзли кредит бериш ўрнатилади.

Енгил ва озиқ-овқат саноатида моллар ишлаб чиқаришда, маиший хизмат кўрсатишда узилишлар ва тўхташлар бўлишига йўл қўймаслик мақсадида жумҳуриятга тушган валютанинг бир қисмини 1991 йилда зарур хом ашёларни мақсадли харид қилишга йўналтириш мақсадга мувофиқдир. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш учун хом ашё ва асбоб-ускуналарни импорт қилиб келтириш, шунингдек бевосита халқ истеъмоли молларини олиб келиш барча бож солиқларидан халос этилади.

Шунингдек фавқулодда вазиятларда фойдаланиш учун давлат жумҳурият резервлари системасини барпо этиш зарур.

Деҳқончилик соҳасида 1990—1991 йилларда аҳолидан харид қилиб олинган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини фақат вилоят аҳолисига ёки бартер ўзаро фойдали келишувлар бўйича мамлакатнинг бошқа регионларига сотадиган рақобат қилувчи тайёрлов ташкилотлари тузиш рағбатлантирилади.

1991 йилдан халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ва савдо соҳасида давлат тасарруфидан чиқаришни амалий рўёбга чиқаришга киришиш назарда тутилади.

1990 йилда моллар биржалари тузиш юзасидан ҳозирлик ишини амалга ошириш мўлжалланади. Вилоятда биринчи навбатда регионал алоқаларни ўрнатиш учун мева-сабзавот ва пахта биржаларини, шунингдек вилоятлараро алоқаларни ўрнатиш учун универсал биржаларни ташкил этиш талаб қилинади.

Вилоят ички бозорини муҳофаза қилишнинг биринчи босқичида савдо бошқармаси ва вилоят матлубот жамиятининг мавжуд тармоқлари, савдо фаолиятини амалга ошираётган бошқа ташкилотлар муомала соҳасининг улгуржи бўғини сифатида фойдаланилади. Мувaққат чора сифатида улгуржи бўғинни мустаҳкамлаш керак. Шу мақсадда Ўзбекистон ССЖ Савдо вазирлигининг қайта қурилаётган улгуржи идоралари вазифаларини такомиллаштириш негизида барча вилоят улгуржи базалари билан тенг ҳуқуқли асосда вилоят савдо бошқармасига ва вилоят матлубот жамиятига бўйсунадиган улгуржи бирлашмалари барпо этиш назарда тутилади.

Шу даврда эҳтиёт моллар резервлари сақланадиган складлар, совутгичлар ва омборлар (давлат тасарруфидан чиқарилмайдиган ва жумҳурият ҳамда вилоят эҳтиёжларига хизмат қилишга мўлжалланганлари) тармоғи ва жойлашиши белгиланади.

Кейинги босқичда (1992—1995 йиллар) эркин бозор нарх белгиланишини босқичма-босқич жорий қилиш йўли билан моллар ва хизматларнинг истеъмол бозорини асосан баланслаш назарда тутилади. 1991 йилда аҳолининг харид қилиш фонди тахминан 2,7 миллиард сўмни ташкил этади, бу вилоятдаги давлат ва кооператив корхоналарнинг мол ресурслари ишлаб чиқариш бўйича имкониятларидан 1,2 миллиард сўм ортиқдир. 1990 йилда таркиб топган алоқалар 1991 йилда сақланиб қолса бошқа иттифоқдош жумҳуриятлардан моллар келтириш 600 миллион сўмликни ташкил этади, молларни импорт бўйича марказлашган тарзда олиб келиш 100 миллион сўмликдан ошмайди.

Аҳолига ер участкалари ажратилиши уларда 1991 йилда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни ками билан 1,5 баравар, кейинги йилларда 1,7 баравар кўпайтириш имконини беради.

Майда хусусий корчалонликларнинг ривожланиши мол ресурсларини тахминан 15—20 миллион сўмлик кўпайтириш имконини беради.

Нархларнинг пасайиши, шунингдек халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш соҳасида хусусий корчалончилик ривожланган сари чакана савдо, умумий овқатланиш, хизматлар соҳасида мулкнинг давлат тасарруфидан чиқиши жадаллашади. Савдо ва маиший хизмат кўрсатишнинг мавжуд вилоят бўлинмалари ихтиёрийлик асосида ўз аъзоларини бирлаштирувчи ва фақат улар томонидан вакил қилиб юборилганлар билан уюшма вазифаларини бажарувчи уюшмага айланади.

(Давоми 3-, 4-бетларда).

# ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ БАРҚАРОРЛАШТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА КИРИШНИНГ ҚОИДАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-, 2-, 3-бетларда).

— ўрта ва йирик дўконлар муниципал-концессия шартларида хусусийлаштирилади (маҳаллий кенгашлар). Асосий фондлар қиймати муниципал ҳукуматларга берилади, оборот маблағлари эса акционерларга, корчалонларга берилади. Улар ўртасида жавобгарлик ва иқтисодий ваколатлар чегараланиши билан ушбу иншоотларга биргаликда эгалик қилиш юзасидан шартнома тузилади;

савдо базалари давлат ихтиёрида қолади. Моллар улар орқали ижтимоий муҳофаза қилиш дастурига мувофиқ белгиланган давлат нархларида тақсимланади.

Контрактлар асосида савдо базаларини корчалонлик фирмаларига фойдаланиш учун бериш **варианти ҳам мумкин.** Шу билан бирга савдо тармоғи, шу тармоқ орқали айрим серталаб молларни нормалашган тақсимлаш амалга оширилади, заргарлик буюмларини, алкоголли ичимликларни сотувчи, чет эл валютаси билан савдо қилувчи корхоналар, шунингдек мактаб ўқувчилари ва талабаларга хизмат кўрсатувчи умумий овқатланиш корхоналари, улгуржи корхоналар ва совутгичлар жумҳурият мулки бўлиб қолиши керак.

**Маиший хизмат кўрсатиш соҳаси**

Маиший хизмат кўрсатишнинг майда ва ўрта корхоналари асосий фондларнинг эскирганлиги ҳисобга олинган ҳолда жамоа мулкига сотилади. Маиший хизмат кўрсатиш уйлари, кимёвий тозалаш фабрикалари ва бошқа шу каби йирик корхоналар маҳаллий Кенгашлар ихтиёрига, кейинчалик хусусийлаштириш масалаларини ҳал қилиш мақсадларида, яъни акционерлик уюшмалари, хусусий оилавий мулк ёки муниципал концессион мулк ташкил этиш мақсадларида берилади.

**Уй-жой-коммунал хўжалик корхоналари**

Уй-жой шахсий, хусусий, жамоа, ижтимоий мулкка сотилади.

Меҳмонхона ва ҳаммом хўжалиги хусусий ёки жамоа, кооператив мулкка, шу жумладан, қўшма корхоналар контрактлар системасига ҳам сотилади.

Суюқ ва қаттиқ рўзғор чиқиндиларини санитарлик тозалаш тармоғи, уларни қайта ишлаш ва утиллаштириш системаси, йўллар экилган кўкатлар ва уларнинг ишлашини таъминлаш хизматлари хусусийлаштирилмайди.

Хўжалик юритишнинг барча субъектлари ушбу хизматлар билан уларга хизмат кўрсатиш бўйича контрактлар тузадилар. Шартнома қиймати шартнома бўйича ишлар ҳажми ва мураккаблигидан келиб чиқиб белгиланади.

**Инфраструктура**

Жамоат транспорти муниципал-концессия асосида хусусийлаштирилади.

Автокомбинатлар, автопарклар, автобазалар ва гаражлар улар ҳар бирлигининг сони ва сифатига қуввати боғлиқ ҳолда хусусий муниципал-концессияга ўтади.

Шаҳар алоқаси — хусусий капитал соҳасига киритилади, тўла демонополизация қилинади.

**Қурилиш**

Барча ташкилотлар, фақат қатъий ихтисослашганларидан ташқари (уларнинг ишлаб чиқариш структурасида ихтисослашган ишлар ҳажми камида 80 фоизни ташкил этса) тўла хусусийлаштирилади.

**Қишлоқ хўжалиги**

Сабзавотлар, мевалар, полиз экинлари етиштириш — фермерлик.

Пахта хом ашёси етиштириш экиш майдонлари борлигидан келиб чиқиб жамоа мулк эгалари уюшмаси ёки фермерлик.

Чорвачилик: йирик фермалар гўшт, сут йўналишидаги қайта ишлаш корхоналари, шунингдек, гўшт, сут маҳсулотлари билан савдо қилувчи дўконлар билан кооперацияда акционерларнинг жамоа мулки. Кичик фермалар хусусий мулкка берилади.

Деҳқончилик саноати комплексининг қайта ишлаш корхоналари: пахта, консерва, пиво-алкоголсиз ичимликлар заводлари, шунингдек нон-булка комбинатлари ва бошқалар акционерларнинг қўшма корхоналар ташкил этиш имконияти билан жамоа мулки.

Деҳқончилик саноати комплекси маҳсулотини ишлаб чиқарувчилар ва истеъмол қилувчилар ўртасида воситачи фирмалар тузиш.

**Саноат**

Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарувчи корхоналар — тури ва ишлаб чиқариш ҳажмига боғлиқ ҳолда хусусий, жамоа, аралаш мулкка сотиш. Жумҳурият аҳамиятига эга бўлган йирик корхоналар, давлат концессияси асосида, ижара, контрактлар давлат кооператив шакли. Иттифоқ аҳамиятига эга бўлган корхоналар мулкчиликнинг акционер, аралаш контракт шакли.



● ЧИНОЗ ноҳиясидаги 1-ўрта мактабнинг 6-синф ўқувчиси Жамшид Йўлдошев икки йилдан буён ёш техниклар станциясида авиамоделчилик бўйича шуғулланади. У тўгаракда иштирок этаётган ўз тенгдошлари орасида ўткир зеҳни, топшириқларни ўз вақтида бажариши билан ўрнак кўрсатмоқда. Шу кунларда Ж. Йўлдошев 1991 йилнинг май ойида бўладиган Тошкент вилояти авиамоделчилари мусобақасига ҳозирлик кўраётир. У ана шу беллашувда ўзининг «МИГ-3» самолёти билан иштирок этади.

Суратчи: А. РАҲИМОВ.

• *ОБУНА—91* • *МУЛОҚОТ* •

## МУШТАРИЙ ТАШАККУРИ

Мен бир неча йилдан бери «Тошкент ҳақиқати»нинг мухлисиман. Кўп ҳолларда унга обуна бўлмай киоскалардан сотиб олиб ўқирдим. Маълумки, 1991 йил учун барча матбуот нашрлари қатори «Тошкент ҳақиқати»нинг ҳам нархи қимматлашди. Лекин шундай бўлса-да, мен келаси йил учун биринчи бўлиб, ана шу рўзномага обуна бўлдим. Сабаби, бу рўзнома мен учун, оиламиз учун жуда катта ёрдам кўрсатди.

Маълумки, киши бироз тоби қочса, олам кўзига қоронғу бўлиб кетади. Жондан азиз фарзандингиз бетоб бўлса-чи? Унинг дардига даво чорасини излаб, жонингизни фидо қилгингиз келади. Шу йилнинг апрель ойларида қизимиз Замиранинг икки оёғи шишиб кетиб юролмай қолди. Биз уни Тошкентдаги 15-касалхонага даволанишга ётқиздик. Шифокорларнинг икки ойлик муолажаларидан ҳеч қандай наф бўлмади. Аксинча қорни шишиб, овқат ҳам еёлмай қолди. Врачлар бир ойдан сўнг яна давони давом эттирамиз деб, шу алфозда уйга жавоб беришди. Қорни шишган, оёқлари музлаган қизимиз оғриқнинг зўридан кечалари ухлолмай чиқар, унинг инграши бизнинг юрагимизни эзар эди.

Шунда «Тошкент ҳақиқати»нинг март ойи сонларидан бирида Пискент ноҳияси Саид қишлоғидаги игна билан даволовчи касалхона ҳақида ўқиганим эсимга тушиб қолди. Ўша рўзномани қидириб топиб, мақолада кўрсатилган шифокорлар қизимнинг дардига шифо бўлишади, деган умид билан Пискентга бордик ва игна билан даволовчи Мажид ака Розиқуловни топдик. М. Розиқулов касалхона бош врачи Абдуназар Умаров билан биргаликда қизимизнинг касаллик варақасини, ўзини кўришиб, зарур муолажаларни зудлик билан бошлаб юборишди. Аста-секин Замира тузалиб, оёққа турди. Ҳозир унинг соғлиғи жуда яхши. Уни соғлом, очиқ кайфиятда кўриб ўзимиз ҳам жуда хурсандмиз.

Мен ўз фидойилиги, меҳнати билан кишиларга саломатлик ва хурсандчилик бахш этаётган Саид қишлоқ касалхонаси барча жамоасига, хусусан, қўли енгил шифокорлар А. Умаров, М. Розиқуловларга севимли рўзномам орқали чуқур миннатдорчилик билдираман. Шунингдек, улар ҳақида бизни хабардор этган «Тошкент ҳақиқати»дан ҳам жуда миннатдорман.

Ш. ШОАЗИМОВ,
Уруш ва меҳнат фахрийси,
II гуруҳ ногирони.
Ўрта Чирчиқ ноҳияси.

• *Фельетон ўрнида*

## МЕҲМОНХОНА БЕДАРВОЗАМИ?!

ҲЕЧ пул йўқотганмисиз? Яъни пешона тери билан топган пулингизни ўғирлатганмисиз? Ногаҳон рўзғор қилиш учун бозорга тушасиз, у-бу харид қиласиз, пул тўламоқчи бўлиб чўнтакка қўл суқсангиз, ҳамён йўқ. Автобусда тиқилинчда аллақачон ҳамёнингизни киссавурлар тинчитиб кетган бўлишади. Совуқ терга ботиб шундай мулзам бўласизки... Камина ҳам ана шундай «совуғи»ни татиб кўрганлардан...

Нега шундай бўляпти? Нега киссавурлар, ўғрилар кўпайиб кетяпти? Одамлардаги имон, эътиқод, инсонийлик фазилатлари қани? Нега бурни бўлмаса бу кўзи билан у кўзини чўқияпти? Бу каби саволларни истаганча давом эттириш мумкин. Лекин жавоблар ҳам турли хил. Биров у дейди, биров бу...

Яқинда Тошкент циркининг меҳмонхонасида жуда ҳижолатовуз воқеа рўй берди. Чет эллик меҳмон — Иорданиялик фуқаро Бассам Муҳаммад Абушакрнинг куппа-кундузи 15 минг сўм пулини ўмариб кетишди. Ўғрилар «Меҳмон — отангдан улуғ» дейилганига қарамай, меҳмоннинг иззатини ҳам қилишмади.

Ўғриларни қидириш жараёнида шу нарса маълум бўлдики, ўша куни навбатчи-маъмур Н. Шашмурина ҳеч қандай ҳужжатларни расмийлаштирмасдан 15 сўмга икки кишини — фуқаро М. Қосимов билан С. Сатторовани меҳмонхонага жойлаштирган. Шу куни яна икки киши ҳам ҳужжатларсиз меҳмонхонадан ўрин олган. Оқибатда мана, чет эллик меҳмоннинг олдида изза бўлиб қолишга тўғри келди...

Ваҳоланки, бу меҳмонхона шу йилнинг биринчи кварталида текширилганда паспорт режимига риоя қилинмаётганлиги, фуқароларни ҳеч қандай ҳужжатларсиз қўйилаётганлиги, пропуск (кириш-чиқиш) назорати йўқлиги, эшикларнинг ноboplиги қайд этилганди. Бироқ маъмурият бундан ўз вақтида хулоса чиқариб олмади. Камчиликларни тугатмади. Оқибатда... Юқоридаги камчиликлар учун меҳмонхона мудири А. Абдумажидовага, навбатчи маъмур Н. Кярунц ва Н. Шашмуринага маъмурий чора кўрилди. Н. Шашмуринани эгаллаб турган лавозимидан олиш тўғрисидаги тавсия Тошкент давлат цирки маъмуриятига топширилди.

Хўш, шу билан меҳмонхонадаги жиноятнинг пайи қирқилиб қолдими? Бу ерда шу билан бошқа ўғрилик, қоидабузарликлар бўлмайди, деб ким айта олади?

Бироқ Тошкент шаҳри меҳмонхоналарида кўрилаётган чора-тадбирларга қарамай аҳвол яхши томонга ўзгармаяпти. Шу йилнинг 29 август куни шаҳардаги 22 та меҳмонхона, шу жумладан донғи чиққан «Тошкент», «Россия», «Цирк», «Ленинград», «Ўзбекистон», «Саёҳат», «Медик», «Отчопар», «Меҳнат резервлари», «Бахт», «Локомотив», «Космос», «Зарафшон» ва бошқа меҳмонхоналар эрталабки вақтда текширилди. Текширув чоғида паспорт режимига риоя қилинмаётганлиги аниқланди. Жумладан, «Ленинград» меҳмонхонасида 8 киши, «Цирк»да 3 киши ҳеч қандай ҳужжатларни расмийлаштирмасдан яшаётганлиги маълум бўлди. «Ўзбекистон» меҳмонхонасининг хоналаридан бирида Қарши шаҳридан келган Ишнаев тошкентлик Б. Тоирова билан яшаётган экан... Бундай ҳоллар «Саёҳат», «Меҳнат резервлари», «Бахт», «Локомотив», «Космос» меҳмонхоналарида ҳам «ачиб» ётибди. «Олимпия» меҳмонхонасида уч йилдан бери ҳеч қаерда паспорти муқим рўйхатга қўйилмаган Қ. Абдуллаев, Р. Гизатуллиналар яшаб келаётган экан. Бу меҳмонхона мавжуд қоидаларига ўта зиддир. «Ёшлар уйи» меҳмонхонасида бўш жой бўлмаганлиги сабабли фуқаро Тўраев кириш йўлагига қўйилган каравотда бемалол хуррак отаётган экан...

Албатта, бундай қоидабузарликлар турли жиноятларнинг манбаи бўлиб хизмат қилиши аниқ. Қани айтингчи, ана шу қонун-қоида бузилаётган меҳмонхоналарда ўғирлик, фоҳишабозлик, лўттибозлик, фирибгарлик... бўлмайди деб ким кафолат бера олади?!..

Қайси бир меҳмонхонага кирманг, «жой йўқ» деган сўзга дуч келасиз. Жойлашиш учун эса навбатчи-маъмур билан «тил топишиш» керак. Бироқ бу ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Эртаю-кеч далада меҳнат қилиб, ҳосилни йиғиб олгач, «Тошкентни бир айланиб келай» деб келган деҳқоннинг жой тополмай бир қоровулнинг олдида тунаб кетганига нима дейсиз? Бундай ҳоллар кошки бир ёки иккита бўлса!

— Тошкентда меҳмонхоналар беҳисоб, лекин уларда тартиб-интизом йўқ,— деб ёзади қашқадарёлик Худойназар Мўминов.— Хизмат юзасидан тез-тез Тошкентга командировкага келиб тураман. Бу сафар бир амаллаб «Москва» меҳмонхонасига жойлашиб олдим. Ҳақиқатан ҳам жуда чиройли, кўркам бино. Аммо унда тунобчилар давлат ва умумхалқ мулкига катта моддий ва маънавий зарар келтирмоқдалар. Меҳмонхона деворларига чизиб ташлашган, сувоқларни кўчириб ташлашган, чакка ўтиб, хоналар ремонттлаб ҳолга келган.

— Тошкентга келсам юрагим безиллаб туради,— деб ёзади қашқадарёлик Мусошер Муҳамедов.— Жой тополмай сарсон бўласан, киши. Меҳмонхонага «шапка»сиз ўрнашиш амри маҳол. Ўтган йилнинг 15 октябрида иш билан Тошкентга келдим. «Ленинград» меҳмонхонасига борсам навбатчи-маъмур Л. А. Кузнецова «Жой йўқ» деб тўлдирган анкетамни қайтариб берди. Четда турган бир нотаниш кишининг менга раҳми келди шекилли, мени учинчи қаватга бошлади ва бир рус аёли билан гаплашиб, 10 сўмга ўрин олиб берди. У эса шу 10 сўмни навбатчи-маъмурга берганимда ҳам дарҳол жой олган бўлишимни уқтирди...

Китоб шаҳридан келган Комил Узоқов «Тошкент» меҳмонхонаси ҳақида ўз мулоҳазаларини шундай баён этади.

— Хизмат юзасидан ҳар уч ойда Тошкентга ҳисоб-китоб топшириш учун келаман. Ҳар сафар навбатчи-маъмурнинг «Жой йўқ» деган жавобини эшитаман. Аммо 5—10 сўмдан воз кечсангиз жой ҳам топилади.

Бундай эътирозлар, шикоятлар ҳақиқатан ҳам жуда кўп. Гарчи шаҳримизда 8 минг 800 ўринли 46 та меҳмонхона ва меҳмонхона кўринишидаги ётоқхона мавжуд бўлсада, бу шаҳримизнинг меҳмонхоналар билан таъминланганлиги даражасининг 42 фоизини ташкил этади, холос. Пировардида меҳмонхоналар ишидан қониқмай ёзилаётган шикоятларнинг кети узилмайди. Юқоридаги каби қоида бузишлар тинмайди. Бунинг боиси нимада? Жойларни сунъий «ноёблик»ка айлантиришдан кимлар манфаатдор?

Фактлардан кўз юмиб бўлмайди. Буларнинг ҳаммаси ҳали Тошкент шаҳар меҳмонхоналар бошқармаси ва ташкилотларга қарашли меҳмонхоналар ишини тубдан яхшилашни тақозо этади. Шу билан бирга малакали, соф виждонли, ҳалол кадрларни тайёрлашга алоҳида эътибор керак. Ана шундагина «Меҳмон азиз—қадами ундан азиз» бўлиши шак-шубҳасиздир.

Тўхтамурод ТОШЕВ.

• *Ҳар тўғрида*

## 2.500 МЕТРДАН... ПАРАШЮТСИЗ

Суяклари саккиз жойдан синганига қарамасдан югославиялик Хасан Омерович учун бу сакрашни ўта муваффақиятли дейиш мумкин. Гап шундаки, у спорт самолётидан 250 метрдан сакраганда парашюти очилмай қолди. Натижада спортчи катта тезликда ерга яқинлаша бошлади.

Кейинчалик шифокорларнинг гувоҳлик беришича, у дарахтга жуда қулай келиб урилганлиги сабабли чилпарчин бўлмаган.

Омерович касалхонада ўзига келди. Шифокорлар унинг жонини сақлаб қолдилар, лекин келгусида парашют билан сакрашни хаёлидан чиқариб ташлашни айтдилар.

Лекин фожиа билан тугаши муқаррар бўлган воқеа ҳам Хасанни кўнгил қўйган спортидан жудо қила олмади. Ўшандан ярим йилдан кўпроқ вақт ўтгандан сўнг Омерович яна парашютдан сакрашга киришди.

## ҒАРОЙИБ ЧИННИ

⊙ ХИТОЙНИНГ Жэхэ вилоятида яшовчи Сюо Цзянь ажойиб кулол сифатида шуҳрат қозонган. У яратган кўралар, пиёлалар ва кўзалар гулининг нафислиги билангина ажралиб турмайди. Уларнинг энг ажойиб хусусияти куйлашидадир. Масалан, оддий кўринган кўралар қуёш нурлари таъсирида булбулнинг сайраши, шамолда баргларнинг шитирлаши ва ариқларнинг осойишта шилдирашини эслатувчи мусиқий овоз чиқаради. Кўралар ҳам хусусиятларига қараб «Булбулнинг сайраши», «Қордан ҳосил бўлган кўклам жилғаси» деб аталади. Кулолга бу ноёб санъат ота-боболаридан мерос бўлиб қолган.

## ОЙНАИ ЖАҲОНДА

**Чоршанба**
**14 НОЯБРЬ**

● ЎзТВ I

11.30 Физика. 12.00 Медицина ва биз. 13.00 Такрорий фильмлар экрани. 18.05 Янгиликлар. 18.10 Қўғирчоқ фильм. 18.30 Қувноқлар даврасида. 19.00 Созимда севги васфи. 19.30 «Ахборот». 19.45 Маорифимиз муаммолари. 20.30 «Ахборот». 20.50 1990 йилги Ҳамза номидаги жумҳурият Давлат мукофотининг лауреатлари. 21.30 «Время». 22.00 Зина, Зинуля. Бадиий фильм.

● ЎзТВ II

19.05 Миш-миш ва ҳақиқат. 19.45 Телефильм. 20.00 Тошкент хабарлари. 20.10 Шимол қиссаси. Бадиий фильм.

**ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:**

21.30 «Время». 22.00 Пахтакорлар учун кўрсатув. 22.50 Шаҳар чеккасидаги тегирмон. Бадиий фильм.

● МТ I

7.00 «120 минут». 9.05 Бор бўл, мусиқа. 9.50 Клим Самгиннинг ҳаёти. Бадиий фильм. 4-серия. 10.55 Адабий бадиий программа. 13.00 «Время». 13.40 Футбол. ССЖИ кубоги 1/8 финал «Динамо» (Москва) — «Спартак». 15.20 Концерт. 17.15 Компьютер билан мулоқот. 18.00 Болалар соати. 19.00 «Время». 19.30 Сиёсий мулоқотлар. 20.20 Клим Самгиннинг ҳаёти. Бадиий фильм. 4-серия. 21.30 «Время». 22.00 Коллаж. 22.05 Телевизион мусиқий фильм. 00.25 ТЯХ.

● МТ II.

17.30 Томошабин меҳри соврини кинофестивали. 18.15 Оғир атлетика. 19.00 «Время». 19.30 XXI аср гиёҳвандларсиз. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар. 20.45 Концерт. 21.10 Коллаж. 21.15 ССЖИ—АҚШ телекўприги. 22.10 ССЖИ Олий Кенгашининг сессиясида. 00.10 Ҳужжатли фильм.

Муҳаррир
Н. НАСИМОВ.


# ЭЪЛОНЛАР БУРЧАГИ

«ЎЗБЕККОНЦЕРТ»
В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ССЖИ ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА
22, 23, 24 НОЯБРЬ СОАТ 19.00 ДА

Ҳамза номидаги Давлат мукофотининг совриндори, жумҳуриятда хизмат кўрсатган

## «ЯЛЛА» АНСАМБЛИНИНГ КУЙ ВА ҚЎШИҚ БАЗМИ

Ансамблнинг бадиий раҳбари Ўзбекистон ССЖ халқ артисти Фаррух ЗОКИРОВ.
Чипталар соат 11.00 дан сотилмоқда.

ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ «ПАХТАКОР» ФУТБОЛ ҚЛУБИ
ЖУМҲУРИЯТ МЕҲР-ШАФҚАТ ВА САЛОМАТЛИҚ ЖАМҒАРМАСИ
«ПАХТАКОРЧИ» ТОШКЕНТ ШАҲАР ФУТБОЛ ИШҚИБОЗЛАРИ ҚЛУБИ
15 НОЯБРЬ СОАТ 18.00 ДА
ТЕМИРЙЎЛЧИЛАР МАДАНИЯТ САРОЙИДА
«ПАХТАКОР» КОМАНДАСИНИ ШАРАФЛАЙДИЛАР

**Кеча дастуридан:** ўйинчиларга ССЖИ биринчилигининг кичик кумуш медалларини, **И. Шквиринга** «Комсомолец Таджикистана» газетасининг «ТЎПУРАР — БУТСИ» совринини топшириш, артистларнинг чиқишлари, хайрия лотерея ўйини, футбол анжомлари савдоси ўрин олган.
**Чипталар Темирйўлчилар маданият саройи кассаларида 14 ноябрдан бошлаб сотилади.**
**Кириш (хайрия) чиптасининг баҳоси — 2 сўм.**

## ҲУРМАТЛИ ОТА-ОНАЛАР!

МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИ БАХТСИЗ ҲОДИСАЛАРДАН СУҒУРТА ҚИЛДИРИШ ШАРТНОМАСИНИ ТУЗИБ УЛГУРМАГАНЛАРНИНГ ИХТИЁРИДА ОЗ ВАҚТ ҚОЛДИ.

**СУҒУРТА ГУВОҲНОМАСИ СИЗЛАРГА ФАРЗАНДИНГИЗНИНГ:**
— бахтсиз ҳодиса туфайли жароҳатланиши;
— заҳарли ўсимликлар, дорилар, кимёвий моддалар, сифатсиз озиқ-овқат маҳсулотларидан тасодифан ўткир заҳарланиши;
— баҳорги-ёзги ёки эмлашдан кейинги энцефалит, полиомиелит, гематоген, остеомиелит билан касалланиши;
— суякларнинг тасодифан синиши, суяк чиқиши, тиш синиши, куйиш ва ҳоказолар оқибатида путур етган саломатлигини тиклаш учун зарур бўлган моддий ёрдамни олиш имконини беради.



МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИ БАХТСИЗ ҲОДИСАЛАРДАН СУҒУРТА ҚИЛДИРИШ ШАРТНОМАСИНИ

Давлат суғурта инспекциясида, суғурта агенти ёки болангиз ўқийдиган мактабда ўриндошлик шартларида ишлайдиган агент воситасида

**ФАҚАТ 30 НОЯБРГАЧА ТУЗИШ МУМКИН**

Суғурта бадали — 2 сўм.
Суғурта пули — 1.000 сўм.
**Шартноманинг амал қилиш муддати — 1991 йил 31 августгача.**

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ДАВЛАТ СУҒУРТА БОШҚАРМАСИ.
«ЭРА» ТАЖРИБАВИЙ РЕКЛАМА-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ АГЕНТЛИГИ.


Тошкент вилояти ижроия комитетининг капитал қурилиш бош бошқармаси жамоаси бошқарма бошлиғи

**Талъат Шомуродович АҲМЕДОВнинг**

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»)

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲ: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

МУҲАРРИР ўринбосарлари — 335885, 325747, 325748, 337916; масъул котиб — 334808, 325353; масъул котиб ўринбосарлари — 325750; БЎЛИМЛАР: мафкура — 325778, деҳқончилик-саноат — 325647; саноат, қурилиш ва транспорт — 325749; маҳаллий Советлар ҳаёти — 325645; ижтимоий масалалар — 325556; маданият — 325767; адабиёт ва санъат — 325553; ахборот, ҳарбий-ватанпарварлик — 325733, хатлар ва оммавий ишлар —334048, 325354; жамоатчи кенгаш қабулхонаси — 334048, 325354; эълонлар бўлими — 325727.

Д.—1914. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс: 64684. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12